

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TIL VA ADABIYOT INSTITUTI

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ



uzbek tili va adabiyoti

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

4
2007



Тошкент
Ўзбекистон Республикаси ФА
“Фан” нашриёти
2007

Бош муҳаррир:
Тўра МИРЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин АЎЗАМОВ,
Баҳром БАФОЕВ,
Эрнст БЕГМАТОВ,
Маматқул ЖЎРАЕВ,
Наим КАРИМОВ,
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ,
Неъмат МАҲКАМОВ (бош муҳар-
рир ўринбосари),
Низомиддин МАҲМУДОВ,
Бахтиёр НАЗАРОВ (бош муҳар-
рир ўринбосари),
Абдулла ОРИПОВ,
Эргаш ОЧИЛОВ (масъул котиб),
Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
Баҳодир САРИМСОҚОВ,
Эргаш УМАРОВ,
Шоназар ШОАБДУРАҲМОНОВ,
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,
Азим ҲОЖИЕВ

мақоли бола тарбиясининг нақадар мураккаб ва масъулиятли эканлигини кўрсатади. Бу ўринда қўлланган *катта қилмоқ* ифодасидан «бажариш», «ҳаракат», «ўстириш», «войга етказиш» семалари тушунилмоқда. Худди шунингдек, кейинги ўринларда ҳам қилмоқ феъли сифатлар билан бири-киб, ундан англанадиган турли ҳолатларни ифодаламақда.

Хуллас, мақоллар таркибида қилмоқ феълининг мустақил феъл сифатидаги фаолияти салмоқли бўлишига қарамай, ўз навбатида, унинг бошқа сўзлар билан синтагматик муносабати орқали кўмакчилик вазифаси ҳам юзага чиқади. Бундай бутунликлар доирасида «бажариш», «амалга ошириш» семалари марказий, бошқа семалар эса, чегара семалар саналади. Бинобарин, қилмоқ лексемаси мазмуний жиҳатдан системавийлик хусусиятига эга бўлиб, у марказий ва чегара сема. ларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топади.

АЙША ГУЛ СЕРТҚОЯ

«ТАЗКИРАИ АВЛИЁ»НИНГ АРАБ ВА УЙҒУР ЁЗУВЛИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ҲАҚИДА

«Тазкираи авлиё» Фаридиддин Атторнинг «Тазкираи авлиё» номли форсча асаридан чигатой туркчасига таржима қилинган. Бу таржиманинг бири уйғур, иккинчиси эса араб ёзуви билан ёзилган икки қўлёзма нусхаси бор.

А) Уйғур ёзувли қўлёзма: Париж, Bibliotheque Nationale, Suppl. Turc 190 да қайд этилган ва Н. 840/М. 1436-1437 да Ҳеру (Ҳирот) да Абу Малик Бахши тарафидан уйғур ҳарфлари билан кўчирилган бу нусханинг муаллиф номи ёзилган жойи қуйидагича: *эмти тазкира-та битилган машиойих авлиёларнинг ҳикоят сузлари туқатилди. Тарих секиз йўқ қирқ-та ат йил жумод-ал-охир-а-ай-нинг ўн-и-та Ҳеру-та Абу Малик Бахши битидим.*

Б) Араб ёзувли қўлёзма: Истанбул Сулаймония кутубхонаси, Фотих, № 2448 да қайд этилган ва Н 20 Ражаб 917/М. 13 октябрь 1511 йил, Мисрда, Нуриддин Али б. Кичкина Саййид Али ат-Толиконий тарафидан осон ўқиладиган бир таълиқ хати билан кўчирилган бу нусха муаллифининг номи ёзилган жой қуйидагича: тарих тўғуз йуз ўн йиғида раҳмат ойининг йигирмисида Мисрда Нураддин Али бин Кичкина Сейид Али ат-Талиқаний битиди.

Ҳар икки қўлёзмада биринчи асар «Меърожнома», иккинчи асар «Тазкираи авлиё»дир.

Меърожнома

Қўлёзманинг илк матни бўлган ва уйғур ёзувли қўлёзманинг 1 б-13 а варақлари орасида жойлашган «Меърожнома»да Муҳаммад пайғамбарнинг меърожи, жаннат ва жаҳаннамни зиёрати ва Қоф тоғидаги Мусо пайғамбар умматини зиёрати билан уларга насиҳат қилиши тушунтирилади.

Матннинг арабчадан форсчага таржима қилинганлиги тахмин этилгани, форсча «Наҳж ул-фародис» номли бир матндан чигатойчага ўғирилганлиги маълумдир. «Меърожнома»га асос бўлган форсча «Наҳж

ул-фародис» матни ва бу матннинг арабча асли бугунга қадар аниқланмаган.

Истанбулдаги Сулаймония кутубхонаси, Йени жоми, 789-рақами билан қайд этилган ва Ж.Экманнинг сўзбошиси билан Турк Дил Куруми тарафидан фотокопияси нашр этилган, Маҳмуд бин Али ас-Саройи ал-Кардарий (Кардарли Маҳмуд) номли бир муаллифга оид бўлган, «Наҳж ул-фародис»нинг биринчи боби 7 ва 8-фасли Меърож воқеасига бағишланган. Бу икки Меърож бўлимининг муқоясаси «Меърожнома»нинг номаълум бир «Наҳж ул-фародис» матнидан таржима этилганини рўйирост кўрсатмоқда.

«Меърожнома»да Хирот миниатюрачилик мактабининг энг нодир намуналари ҳисобланган 58 та миниатюра ўрин олган.

Уйғур харфли нусха 1672 йилда Истанбулда, Marquiz de Nointel номидан Antoine Galland тарафидан сотиб олинган. Қўлёзма кейинроқ Қироллик кутубхонасида 2367 рақами билан қайд этилган. Ҳозир Bibliotheque Nationale, Suppl. Turc 190 рақами остида сақланади.

Асар устида қироллик бош таржимони шарқшунос Francois Petis de la Croix, Abel Remusat, Paul Amedee Jaubert, Arthur Lumley Davids, E.Beresine тадқиқот ишлари олиб борганлар ва улар ўз асарларида матндан жуда кичик бир парчани берганлар. Abel Pavet de Courteille уйғур ёзувли матнни араб ёзуви билан табдил қилган ва французча таржимаси билан нашр этган¹. Уйғур ёзувли нусха бўйича 1938 йили диплом иши ёзган Фоҳир Из уйғур ёзувли нусханинг транслитерациясини ва таржимасини амалга оширган². Араб ёзувли нусха бўйича 1968 йилда Усмон Фикри Сертқоя диплом иши ёзган ва бу ишда араб ёзувли қўлёзманинг табдили индекси берилган³. Уйғур ёзувли қўлёзма кейинроқ Макс Шербергер томонидан нашр этилган⁴.

Тазкирани авлиё

Уйғур ёзувли қўлёзманинг 136-151а арабчалари ичидан жой олган «Тазкирани авлиё»да 72 та авлиёнинг кечинмалари ҳақида ҳикоя қилинади. Илк валий Имом Жафари Содик, сўнгги валий Ҳусайн бин Мансури Ҳаллождир.

Abel Pavet de Courteille «Тазкирани авлиё»нинг уйғур ёзувли қўлёзмасининг фотокопиясини ва французча таржимасини 1899 йилда икки жилд ҳолида нашр этган⁵. Асарнинг дастлабки 19 саҳифаси бўйича бир диплом иши ёзилган⁶. Асар бўйича Верди Қонқилич номзодлик иши

¹ Abel Pavet de Courteille. Miradj-Nameh. Le Manuscrit Ouigour de la Bibliotheque Nationale, Paris, 1882. XXXI+ 95 s.

² Fahir Iz. Miracname. Mezuniyet tezi, Istanbul, 1938. Turkiyat Enstitusu no 106, 52 s.

³ Osman Fikri Sertkaya. Mi'rac-name (Metin-Index). Mezuniyet tezi, Turkiyat Enstitusu no 345, XVIII+94 s.

⁴ Das Mi'ragname. Die Himmel-und Hollenfahrt des Propheten Muhammad in der ost-turkishien Ueberlieferung, Wurzburg, 2003, 153 s.

⁵ Abel Pavet de Courteille. Tezkereh-i Evlia, Le Memorial des Saints, traduit sur le Manuscrit Ouigour de la Bibliotheque Nationale, Collection Oriental-Tome XVI, Deuxieme Serie-Tome II-Paris 1889, XXIV+238s. Фотокопия 392 s.

⁶ Turkan Aksu. Tercumei Tezkiretul-evliya uzerinde lisani bir calisma. Mezuniyet tezi, Turkiyat Enstitusu, No 120, 67 b.

ёзган⁷. Маълумки, Атторнинг «Тазкират ул-авлиё»си 72 валийнинг кечинмаларини ўз ичига олади (Асарга кейинчалик бошқалар тарафидан яна 25 валийнинг кечинмаларини қўшиб, бу рақамни 97 тага етказганлигини ҳам айтишимиз лозим). Аммо Атторнинг Туркия туркчасига қилинган таржималарида 72 валийнинг ҳаммаси ўрин олмаганлиги кўзга ташланади. Масалан, «Тазкират ул-авлиё»нинг Синон Пошо тарафидан қилинган таржимасида 28 валий, Ўрхон Ёвуз томонидан нашр этилган аяоним «Тазкират ул-авлиё»да эса 21 валий ўрин олган. Проф. Георг Хазаи ҳозир нашр этаётган Венгрия Фанлар академиясидаги эски Туркия туркчаси билан ёзилган «Тазкират ул-авлиё»да 72 валийнинг кечинмаларининг ўрин олганлигини менга оғзаки маълум қилганди.

Мен «Тазкират авлиё»нинг чигатой туркчаси таржимасининг араб ҳарfli кўлёмасини асос нусха ўларoқ олиб, уйғур ҳарfli кўлёмаси билан қиёслаб, матнни қайтадан тикладим. Тикланган матннинг биринчи икки бўлимининг таби́дл қилинган матн билан Туркия туркчасига таржимасини ҳам «Илмий араштирмалар» журна́лида «Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё»сининг чигатой туркчаси таржимасида «Жаъфари Содиқ» бўлими»⁸ ва «Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё»сининг чигатой туркчаси таржимасида «Вайси Қараний бўлими»⁹ номи остида нашр этдим.

Уйғур ва араб ёзуви икки кўлёмани қиёслаш натижасида араб ёзуви нусханинг ҳозиргача илм оламига номаълум бўлган уйғур ёзуви бир кўлёмадан араб ёзувига ўтказилган, деган хулосага келдим.

Кўк турк ёзуви матнларда *киси-киши, уқус-укуш, кумус-кумуш, тардус-тардуш, бармис-бармиш, бўлмис-бўлмиш, эрмис-эрмиш, эсидмис-эшидмиш* ва *шингар-сингар, шуб-суб, шақин-сақин, шанч-санч* каби шаклларда с-ш товуш алмашувининг борлиги маълумдир¹⁰. Аммо бизнинг мавзуимиз уйғур ва араб ёзуви матнлардаги товуш қоришиқлиги борлиги туфайли кўктуркча матнлардаги бу товуш алмашувини фақат мавзунинг тарихан мураккаблиги ўларoқ қайд этиб, унинг тафсилотлари ва сабабларига тўхталмаймиз.

Лотин алифбосидан фойдаланган тадқиқотчилар уйғур ёзуви матнларни ўқиш асносида баъзи сўзларни уйғур ёзуvidан лотин ёзувига ўтказаетганда транслитерацияда хатоликларга йўл қўйганлар. Шунинг учун аслий с товуши ўрнига ш товуши, аслий ш товуши ўрнига з қўлланилган, аслий з ўрнига с билан ёзилган з товуши ш ўларoқ таби́дл қилинган. Уйғур ёзуви матнларда аслий с товуши *киси* ўрнига *киши*¹¹, *дастор* ўрнига *ташдор*, *абанўс-абинўс* ўрнига *абируш*³ сўзларида учраганидек с товуши ш ўқилган. Аслий ш ҳарфи эса *бўшўлмоқ* ўрнига *бўзулмоқ* ўқилишида ҳам ш ўрнига с қ з ўларoқ таби́дл қилинган. Аслий з товушининг ш белгиси билан ёзилиш шакллари эса с қ з ўрнига ш ўларoқ транслитерация қилинган.

⁷ Verdi Kankilic. Uyğurca tezkiretül-evliya. Tercümesi (arastırma-metin), 1972, Türkiye Enstitüsü no 1300, XXXVI+ 145 b.

⁸ İlmî Arastırmalar, Dil, Edebiyat, Tarihincelemeleri, 8, İstanbul, 1999. 221-232-betlar.

⁹ İlmî Arastırmalar, Dil, Edebiyat, Tarihincelemeleri, 9, İstanbul, 2000. 193-208-betlar.

¹⁰ İlmî Arastırmalar, Dil, Edebiyat, Tarihincelemeleri, 8, İstanbul, 1999. 221-232-betlar.

¹¹ İlmî Arastırmalar, Dil, Edebiyat, Tarihincelemeleri, 9, İstanbul, 2000. 193-208-betlar.

Аслий шакл (з)	ёзилиши (с = з)	транслитерацияси (ш)
тазмак	тасмак=тазмак	ташмак
юҳид	сахит=зоҳид	шаҳит
тутузмак	тутусмак=тутузмак	тутушмак

Бундай хатоларни араб ёзувидан фойдаланган кишиларнинг уйғур ёзувли матнларни уйғур ёзувидан араб ёзувига кўчираётганда ҳам қилганликлари маълум бўлади.

2004 йил 20 – 26 сентябрь кунлари Анқарада бўлиб ўтган Бешинчи Халқаро турк тили курултойида қилган «Хўжандийнинг «Латофатнома» номли маснавийсининг янги бир қўлёзма нусхаси ҳақида» номли маърузамда Eleazar Birnbaum'нинг тасарруфида бўлган бир «Латофатнома» нусхаси ҳақида иштирокчиларга маълумот бераётганимда бу нусханинг уйғур ёзувли бир қўлёзмадан араб ёзувига ўтказилганлигини айтганим ва бу хусусда хато транслитерация билан боғлиқ 24 намуна берганим. Булардан с/ш/з ўқишлилари билан боғлиқ бештасини мавзумизга ойдинлик киритиш мақсадида қуйида такрор келтираман.

«Латофатнома» нусхасида учрай- диган шакл	матнда бўлиши керак бўлган шакл
байт 89а, 296 а ишқинг	ағзинг
байт 141б шаҳид	захид
байт 182 б шанида	сахнида
байт 289 а ҳар сўзи	арзуси
байт 297 а шаҳо	зиҳи

Энди «Тазкирани авлиё» билан боғлиқ фикрларимиз устида тўхталамиз.

Мен «Тазкирани авлиё»нинг араб ёзувли қўлёзмасини асос сифатида олиб, матнни табдил қилдим. Сўнгра бу табдилни уйғур ёзувли қўлёзма билан солиштирдим. «Латофатнома» қўлёзмасидаги муаммони бу қўлёзмада ҳам кўрдим. Қуйида бу масалани журналхонлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Аслий с товушининг з ёзилиши:

1. Арабча сиффин сўзи уйғур ёзувли матнда И32 (846)\6да сиффин тарзида ёзилган. Матнни араб ёзувига табдил қилган котиб уйғур ёзувидаги аслий с товушини з товуши деб ўйлаган, уйғур ёзувидаги б ҳарфи билан ёзилган ф товушини ҳам тушунмаган, шунинг учун сўзни А24(25а)\3да зиббин деб ўгирган.

2. Саъид бин Жубайрнинг исми уйғур ёзувли матнда И 44(906)\5да Саҳит Жабир шаклида ёзилган. Уйғур котиб сўзни сатр остида х ҳарфи билан транслитерация қилган. Бу номни уйғур ёзувидан араб ёзувиге транслитерация қилган котиб аслий с товушини з деб ўйлаган, шунинг учун сўзни А33 (296)\3 да Зоҳид Жобир тарзида ўгирган.

3. Уйғур котибнинг И 270 (203 б) \12 да жуда аниқ қилиб ёзган қисқанип сўзи, сўзни араб ёзувиге ўгирган котибнинг с товушини з деб ўйлаши ва қ товушини эса ғ деб ўйлаши сабабли А 196 (IIIа)\10да қисқанип деб ёзиш ўрнига қизганип шаклида ёзилган.

Аслий ш товушининг с ёзилиши

5. Уйғур котиб томонидан И132 (1346) / 4 да Ибн-и Сирин шаклида ёзилган киши исми, матни араб ёзувига ўгирган котиб тушунмаган. Уйғур ёзувли сўздаги с ҳарфи ш ўқилганлиги учун бу ном А 95 (606)/10 да Ибн-и Сирин ўрнига Ибн-и Ширин ёзилган.

Аслий ш товушининг с ёзилиши:

6. Абу Ҳазими Маккининг оти уйғур котиб томонидан сарлавҳада И 87 (112а) /13 да с ҳарфининг остига икки нуқта қўйилиб ш шаклида ўқилгани учун Абу Ҳашим-и Макки шаклида ёзилган ва бу ёзув И87(112а)/14 билан И88 (1126) /3 да «х» (ҳойи ҳавваз) ҳарфи ўрнига а ҳарфи билан, И 88 (1126)/6 билан И 89 (113а)/ 1, 4 ва 5 да «х» (ҳойи хутти) ҳарфи билан таъдил қилинган. Араб ёзувли қўлёзманинг котиби бу исми араб ёзувига ўгираётганда ҳамма жойда Абу Ҳашими Макки шаклида ёзган.

7. Бунга ўхшаш киши исмларини ёзишдаги хатолар кўп. Масалан, Халифа Ҳишам бин Абдулмутталибнинг номи уйғур ёзувидаги қўлёзмада И88(113 б) /2 да Ҳушшами бин Абдулмалик шаклида таъдидли товуш сифатида ёзилгани учун араб ёзувли матнда А64 (45а)/5 да Ҳушшом шаклида таъдид белгиси қўйиб ёзилган.

8. Яна Абдулвоҳид бин Зайднинг исми уйғур ҳарфлари билан И91(114а)/8 да Абдул-Ваҳити Саҳит шаклида ёзилган. Уйғур котиб Ваҳит сўзини «х» (ҳойи хутти) ҳарфи билан, Саҳит сўзини эса «х» (ҳойи ҳавваз) ҳарфи билан таъдил қилган. Киши исмларини араб ёзувига ўгирган котиб эса сўнгги сўзни а66(46а)/10 да Зоҳид шаклида ўгириб, киши исмини Абдулвоҳид бин Зоҳид тарзида кўчирган.

9. Сўз киши исмлари ҳақида кетар экан, бошқа бир мисолга диққатни жалб этамиз. Қутайба бин Муслим номининг биринчи сўзи диакритик белгилар билан ёзилганда Қутайба ўқилади. Аммо бу киши исмининг арабча ўқилишини билмаган уйғур котиб диакритик белги қўйилмаган қадима сўзи шаклида ўқиб, бу киши исмининг ёзилишини охири билан бирликда И74(1056)/11 да Қадибайн бин Муслим шаклида ёзган. Матни араб ёзувига ўгирган котиб эса А54(40а)/15 ва А55(406)/1 даги биринчи ва иккинчи мисолда б ҳарфини ф ҳарфи сифатида қараб, сўзни қадифа деб тузатган.

10. Арабча ид (ийд) - «байрам» сўзи И184(1066)/9 да уйғур ҳарфлари билан айыт шаклида ёзилган. Котиб уйғур ёзувли матнда биринчи тиш остига араб ҳарфлари билан айн ёзилмаганлиги учун матни уйғур ёзуvidан араб ёзувига ўтказган котиб биринчи тишни «х» (ҳойи хутти) деб ўқиган ва А134(80а)/9 даги ... қачон ким ҳайит кечаси бўлди эрса ... иборасида ҳайит шаклида ёзган.

Юқорида келтирилган 10 та мисолни яна қўлайтириш мумкин, аммо мазкур мисолларга асосланиб «Тазкирани авлиё»нинг бугун қўлимизда бўлмаган уйғур ёзувли бошқа бир қўлёзмадан араб ёзувига ўтирилган деган хулосага кела оламиз.

Араб ва уйғур ёзувли нусхаларнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳам қисқача баҳс этамиз.

А нусхаси: қатинга И нусхаси: қатинга
 A10=18a/5; A12=19a/1; A65=456/5; A75=506/5; A81=536/4; A83=536/8;
 A123=746/11; A1126=766/11; A128=77a/13; A132=79a/5; A133=796/3;
 A 134=80a/2 ва 5; A 135=806/4; A 136=81a/1 ва 9.

А нусхаси: тангласи И нусхаси: тангдаси
 A 85=54a/13 A 99=636/4; A 104=65a/11; A122=746/13; A 134=80a/11

А нусха: қирағинда И нусха қириғинда
 A 57=41a/7 ва 11; A 129=776/15 И нусхаси нг дан сўнг г/г
 А нусха: нг товушнинг келиши бошқа (қўпинча)
 Олмошларда: манга, санга, анга менга, сенга, анга; ўнғай, йаланғач
 сўзларда: ўнғай, йаланғоч

Маълумки, араб ёзувли диакритик белгиларсиз матнлар сўзларнинг фонетик хусусиятларини ифода этолмайди. Аммо «Тазкирани авлиё»нинг араб ёзувли қўлёзмасининг диакритик белгиларсиз бўлишига нисбатан уйғур ёзувли қўлёзманинг уйғур ҳарфларининг талаффуз қилинган товушларни ёзувда акс эттириш хусусияти тадқиқотчининг ишини енгиллаштиради. Шунинг учун матннинг тўғри ўқишида мен эътиборга олган жиҳатлар қуйидагилар:

1. А нусхага биноан классик ўқиш: ҳисоб. И нусхасига биноан лабланмаган унлида торлашишга биноан тузатилган ўқиш: ҳисоб.

2. А нусхасига биноан классик ўқиш: жавоб, мақом. И нусхасига биноан лабланмаган унлида лабланганликка кўра тузатилган ўқиш: жувоб, муқом.

3. А нусхасига биноан классик ўқиш: зикр, сабр, кафш, шукр. И нусхага биноан лабланмаган ва лабланган унли ҳосил бўлишига кўра тузатилган ўқиш: зисир, сабур, кафуш, шукур.

4. А нусхасига биноан классик ўқиш: Иси, Муси. И нусхасига биноан тузатилган ўқиш: Исо, Мусо.

Матндан мўғулчадан чигатойчага ўзлашган қуйидаги сўзлар аниқланади. Қуйидаги:

жер жебе	зирҳли
чарга	саф, қатор: чарга тут – сафга турмоқ
чида –	чидамоқ; чидамайин – чидамасдан
чирой	юз, чехра, чирой
қабурға	қовурға
қаранггу	қоронғи
пўжўр	хизматкор
ўтул – жилай	асранди
ўқгас	зинҳор, асло (салбий жумлаларда)
ўланг	ўланзор, кўкаламзор
тебиш	патнис
йўчин	меҳмон

Бу ва бошқа мўғулча сўз ва сўз шакллари учрайдиган жумлалар ва таржималари билан алоҳида бир мақолада эълон қилинади.

Матндаги 72 валийдан ҳажм жиҳатдан энг катта тўрттаси қуйидагилардир. Ўн тўртинчи валий Боязид Бистомий (51.867 шрифт), ўн биринчи валий Иброҳим Адҳам (45.684 шрифт), учинчи валий Ҳасан Бас-

рий (40.536 шрифт), тўққизинчи валий Робиа Адавиййа (35.940 шрифт). Аммо матннинг охирида валийларнинг кечинмалари анча қисқаради.

Валий кечинмаларининг сарлавҳалари сажъли жумлалардир. Форсча аслиятга мос келмаганидек, бошқа «Тазкирани авлиё» таржималарига ҳам мос келмайди. Бир фикр бериши нуқтаи назаридан матннинг тили билан боғлиқ биттадан кичик парча бериш билан кифояланамиз.

Шайх Боязид Бистомийнинг сўзи:

Ул орифларнинг султони, ул муҳаққиқлар бурҳони, ул сидку сафонинг кони, Боязид Бистомий раҳматуллоҳи алайҳи.

Улуғ машойих эрди, риёзати, каромоти ҳаддин таш эрди, дағи илм ичинда анинг назари йўқ эрди. Йана Тенгри таолонинг муҳаббати отига туташмиш эрди. Дағи тариқат илминда комилу беназир эрди Андақким, Шайх Жунайд Бағдодий айтур эрдиким: «Боязид бизинг арамизда андақтурурким, фаришталар ичинда Жабройил алайҳиссалом».

Йана шайх Абусайд Абулхайр айтур: ўн саккиз минг оламни Боязидтин тўла кўрармен. Боязидни ўртада кўрмасмен. Боязидни ҳақиқат муқоминда маҳв кўрармен.

Иброҳим Адҳамнинг сўзи:

Ул дунё мулкиндин кечган, ул шавқ шаробини ичган, ул сидку сафолиғ машойих, ул кўнгли тўла ҳақойиқ, илми дойим лутфу карам, ул Иброҳим Адҳам раҳматуллоҳи алайҳи.

Кўп машойихларни кўрмиш эрди. Дағи маърифат ичинда комил эрди. Дағи имом Абу Ҳанифа Қуфий била ҳамсухбат бўлур эрди. Дағи Жунайд Бағдодий анга илмларнинг калиди деп ат қўймиш эрди.

Нақлдурким, Абу Ҳанифа айтти: Иброҳим биздин йахширақтурур деп. Сўрадиларким: «Не сабабдин йахши бўлди?» Абу Ҳанифа айтти: «Анинг учунким, ул дойим Тенгри таолонинг ишига машғулдурур. Дағи биз ўзга ишларга машғулдурубиз. Аввалда анинг иши андақ эрдиким, «и137=137а» Балх шаҳрида подшоҳ эрди. Дағи кўп мамлакатлардин анга мол келур эрди. Бир кеча йатур эрди. Ногоҳ эвининг тами устинда кишининг тавушин эшитти. Айттиким: «Бу там уза кимдуурсен?» - деп. Жувоб эшитти: «Тева йўқ этибмен (А 99=62). Бу там устинда тилаб турурмен», - деб. Иброҳим айтти: «Зихи ақли йўқ телба киши! Сен тева ни там устинда тилар сен?» Ногоҳ ун келдиким: «Ё ғофил! Сен Тенгри таолони алтун тахт уза йатиб тиларсен. Сенинг ишинг бу тева тиламақдин ажойибрақтурур». Бу сўзни эшитиб Иброҳимнинг кўнглига кўркунч тушти, кўпун танг атқунча тоатқа машғул бўлди.

Ҳасан Басрийнинг сўзи:

Ул нубувватнинг парвардаси, ул илмнинг казбаси, ул эранларнинг садри Шайх Ҳасан Басрий, раҳматуллоҳи алайҳи. Расул алайҳиссаломнинг эвинда парварда бўлди. Йана Ҳасан Басрийнинг анаси расул алайҳиссаломнинг Умми Салама атлиқ хотунининг хидматкори эрди. Ҳар қачанким, Ҳасан Басрийнинг анаси бир ишқа машғул бўлса, Ҳасан Басрий йиғласа, Умми Салама разийаллаҳу анҳо Ҳасан Басрийни эмизур эрди, бир неча қатра сут бўғазига кирар эрди. Мунча ҳазор баракатларким, Ҳасан Басрийга Тенгри таоло берди, ул муборак сут баракатиндин эрди.

Нақлдирким, Бир кун Ҳасан Басрий Умми Салама эвинде расул алайҳиссаломнинг сув ичар «и33=85а» кўзасидин сув ичти. Расул алайҳиссалом эвга келиб сўрадиким: «Бу кўзадин ким сув ичиптур?» - деп. Умми Салама айттиким: «Ҳасан сув ичиптурур», - деп. Расул алайҳиссалом айтти: «Ул миқдор сувким, бу кўзадин ичиптурур, менинг илмимдин анча улуш теккай», - деп. Йана бир кун расул алайҳиссалом Умми Салама эвга келганда Ҳасан Басрийни ўз муборак этакига ўлтуртуп, анга дуо қилди. Расул алайҳиссаломнинг дуоסי баракатидин Тенгри таоло Ҳасан Басрийга улуг мартаба рўзий қилди.

Робиъайи Адавийанинг сўзи:

Ул Ҳақ даргоҳида қабул тушган [А68=466], ул ишқ ўтига куйуп пинган, ул ўзини ҳаққа улап, халқдин шешган, ул эранлар ишин қилган, ул охират сиррин билган, ул зикри тоати хуфийа, Робиъайи Адавийа разийаллаҳу анҳо.

Агар бирагу сўрсаким: «Робиъани эранлар чаргасинда нечук йод қилурсиз», - деп. Жувоб улдурким: «Расул алайҳиссаломнинг ҳадиси андоқтурурким, сиз кишининг суратиға бақмангиз, анинг эдгу амалиға, йахши нийатиға бақингиз деп. Ҳар қайси хатуннинг Тенгри таолонинг даргоҳида тоати, қуллуғи эранлардек бўлса, «94=115 б» ани хатун деса, бўлмас» деп.

Аббос ан-Тусий айтур: раҳматуллоҳи алайҳиким: «Қийомат кунинда фаришталар тангри таолонинг фармони била чарлағайларким, йо эранлар, бир чарга тутунгуз» - деп. «Аввал кимарса ким эранлар чарчасинда қадам урғай, Марйам бўлғай».

*Турк тилидан
Бердақ Юсуф таржимаси*

ЎТКИР РАЖАБОВ

ТОПОНИМИК ИНДИКАТОРЛАР ҲАҚИДА

Хоразм топонимик индикаторларининг лисоний хусусиятларини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг ясалиш тизимида бир қатор ўзига хосликларни кузатамиз. Кўпгина индикаторлар таркибида айрим формантларнинг ҳозирги тилимиздан фарқланувчи вазифавий ва маъновий жиҳатларини илғаб олиш мумкин. Биз ушбу ахборотимизда Хоразм топонимияси таркибида учрайдиган баъзи формантлар ҳақида сўз юритамиз.

-*миш* форманти билан кўпгина сифатдошлар ясалган бўлиб, улар эгалик, кўплик, келишик кўшимчалари ва кўмакчи сўзлар билан кенг қўлланган¹. Ёзма ёдгорликлар тилида унинг грамматик маънолари ва функцияси анча кенг бўлган. Бу аффиксининг қадимги маъноси ва вазифалари эски ўзбек тилида маълум давргача сақланган бўлиб, кейинги

¹ -*миш* аффиксининг маъноси ва этимологияси ҳақида қаранг: Дмитриев К. Ж. вопросу о значении османской глагольной формы на -*миш* // Записки коллегии и востоковедов при алтайском музее АН СССР. Т. II. Вып. I. Л., 1939. С. 91-96.

даврларда маъно ва вазифалари чекланган. -миш форманти Хоразмдаги Йармиш, Қармиш, Йармишли, Йармишйап, Қармишавил каби топонимлар таркибида сақланиб қолган. Йармиш – ариқ номи. Йармишли топоними ариқ номи асосида вужудга келган. Йармиш канали бўйида яшовчи ва шу ариқдан сув ичадига аҳоли ушбу ном билан аталади. Уларнинг кейинчалик кўчиб борган жойи Йармишли деб юритилган. Қармиш топоними Қармиш < қар(и) «аралаш»моқ, қаришмоқ+миш типиде ясалган бўлиб, аралаш овул, бир неча уруғлар ва қабилаларнинг аралаш яшаган жойи деган маънони билдиради («Қарма» турли масаллиғ аралаштириб тайёрланадиган овқат номи, «хамир қармоқ» ун билан сувни аралаштирмоқ). Қайд этилган бошқа топонимлар ушбу ном асосида вужудга келган. -миш форманти Хоразм шевалари таркибида ҳам кам учрайди. Эҳтимол, бу аффикс ўз тузилишини ўзгартирган ёки унинг истёмождан чиқиши анча қадимги даврларга бориб тақалади. У айрим отлар таркибида учрайди: курмиш – овқат номи, қовурмиш – хамир қовуриб пишириладиган овқат номи.

-жиқ, -чиқ форманти Қалажиқ, Тўбажиқ ва Қоражиқ топонимлари таркибида учрайди. А.Ғ.Ғуломов мазкур формант -чақ // -чак // -чик аффиксининг ўзга бир варианты деб ҳисоблайди ва унинг от туркумига, баъзан сифатларга қўшила олишини қайд этади. Унингча, «ушбу камунум аффикс ҳозирги тилимизда янги сўз ясамайди, у айрим сўзлар таркибида кичрайтиш-эркалаш маъноларини ифодалайди»². Бу аффикс Хоразм шеваларида ҳам фаол эмас. Қўзичоқ, дигиржак (ғилдирак), галинчак, ўйинжиқ каби сўзларда кичрайтириш-эркалаш маъноларини ифодалайди. -жиқ форманти билан ясалган топонимларда ҳам кичрайтириш маъноси мавжуд. Бу формантнинг маъноси ўзбек адабий тилидаги -ча аффиксига тенг келади: Қала+жиқ, Тўба (тепа)+жиқ, Қоражиқ (Қора қала сўзининг ўзгарган формаси бўлса керак л>р+жиқ каби). Хоразмда -жиқ форманти билан ясалган топонимлар кичиклик маъносидан ташқари, диний мазмунга ҳам эга бўлади. Бу типдаги топонимлар кўпинча бирор қадамжо ёки табаррук деб ҳисобланган объектни ёхуд мазорни англатади. -жиқ форманти англатадиган кичиклик маъносини кейинги пайтларда шевада ўзбек адабий тилидаги -ча аффикси орқали ифодалаш ҳоллари учрайди: ша:рча - «посёлоқ» маъносида. -жиқ форманти Эрон типологиясида ҳам анча сермахсулдир: Бобожик, Қалажиқ, Мейданжиқ каби³.

-ма форманти кўпинча туркий тилларда сермахсул сўз ясовчи бўлган. Баъзи олимларнинг кўрсатишича -ма аффикси ўрта асрларда (XIV-XV) кенг тарқалган бўлиб, икки хил функцияни бажарган, яъни у сўз ва форма ясаган⁴. Лекин топонимлар таркибида фақат сўз ясовчи сифатидагина қаралади. У сўзнинг ясовчилик маъносида топонимларга қўшилган. -ма форманти Хоразм топонимиясида анчагина номлар таркибида учрайди: Ўйилма, Айланма, Сувалама, Шарлама каби. Худди шу маънода шевада ҳам қатор сўзлар ясаган (қийма, қатлама, гўмма – овқат номлари). Ўйилма – ўй+паст, қуйи+ил «қуйиладшмоқ, пастладшмоқ». Ўйилма – пастдаги овул (шаҳардан пастдаги ёки шаҳарнинг кун ботиш томонидаги қишлоқ). Айланма – айланиш, шунингдек, катта сувларнинг бурилиб оқадиган жойла-

² Гулямов А.Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. АДД. Ташкент, 1957. С.19.

³ Савина И.В. Типы тюркских топонимов в Иране. М., 1964. С.168-169.

⁴ Севортян. Э.В. Аффиксы именного словообразования азербайджанского языка. М., 1966. С.124.